

1634/4341 – عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَهُ وَمُعَاذَ بْنَ جَبَلٍ إِلَى الْيَمَنِ، قَالَ: وَبَعَثَ كُلَّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا عَلَى مِخْلَافٍ، قَالَ: وَالْيَمَنُ مِخْلَافَانِ، ثُمَّ قَالَ: يَسِيرَا وَلَا تُعَسِّرَا، وَبَشِّرَا وَلَا تُنْفِرَا. فَأَنْطَلَقَ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا إِلَى عَمَلِهِ، قَالَ: كَانَ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا إِذَا سَارَ فِي أَرْضِهِ كَانَ قَرِيبًا مِنْ صَاحِبِهِ أَحَدَثَ بِهِ عَهْدًا فَسَلَّمَ عَلَيْهِ، فَسَارَ مُعَاذٌ فِي أَرْضِهِ قَرِيبًا مِنْ صَاحِبِهِ أَبِي مُوسَى، فَجَاءَ يَسِيرٌ عَلَى بَعْلَتِهِ حَتَّى انْتَهَى إِلَيْهِ، وَإِذَا هُوَ جَالِسٌ، وَقَدْ اجْتَمَعَ إِلَيْهِ النَّاسُ، وَإِذَا رَجُلٌ عِنْدَهُ قَدْ جُمِعَتْ يَدَاهُ إِلَى عُنُقِهِ، فَقَالَ لَهُ مُعَاذٌ: يَا عَبْدَ اللَّهِ بْنَ قَيْسٍ أَيْمٌ هَذَا؟ قَالَ: هَذَا رَجُلٌ كَفَرَ بَعْدَ إِسْلَامِهِ، قَالَ: لَا أَنْزِلُ حَتَّى يُقْتَلَ، قَالَ: إِنَّمَا جِيءَ بِهِ لِذَلِكَ فَأَنْزِلْ، قَالَ: مَا أَنْزِلُ حَتَّى يُقْتَلَ، فَأَمَرَ بِهِ فُقِتِلَ، ثُمَّ تَزَلَّ فَقَالَ: يَا عَبْدَ اللَّهِ، كَيْفَ تَقْرَأُ الْقُرْآنَ؟ قَالَ: أَنْفَوْقَهُ تَفَوْقًا، قَالَ: فَكَيْفَ تَقْرَأُ أَنْتَ يَا مُعَاذُ؟ قَالَ: أَنَا أَمُ أَوَّلَ اللَّيْلِ، فَأَقُومُ وَقَدْ فَضَيْتُ جُرْئِي مِنَ النَّوْمِ، فَأَقْرَأُ مَا كَتَبَ اللَّهُ لِي، فَأَحْتَسِبُ تَوَمِّي كَمَا أَحْتَسِبُ قَوْمِي.

1634.4341. Абу Бурда розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Абу Мусо ва Муъоз ибн Жабални Яманга юбордилар. Яманда икки вилоят бор эди, икковини биттадан вилоятга юбора туриб: «Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар. Севинтиринглар, бездирманглар!» дедилар. Иккиси ҳам ўз ишига йўл олди. Иккиси ҳам ўз ерида юрар экан, шеригига яқин бўлиб қолса, аҳдларини* янгилашиб, саломлашиб турар экан. Муъоз ўз ерида шериги Абу Мусога яқин жойдан юриб қолибди. Хаширида келиб, унинг олдига етиб борибди. Қараса, у ўтирар, олдига одамлар тўпланиб олишган экан. Қараса, олдида бир киши турибди, қўллари бўйнига қўшиб боғланган. Муъоз унга: «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс, бу нимаси?» дебди. У: «Бу мусулмон бўлганидан кейин кофир бўлган одам», дебди. (Муъоз) «У ўлдирилмагунча тушмайман», дебди. У: «Ўзи бу шунинг учун олиб келинган, тушавер», дебди. (Муъоз) «Ўлдирилмагунча тушмайман», дебди. Буюрибди, (ўша одам) ўлдирилибди.

Кейин (Муъоз) тушиб: «Эй Абдуллоҳ, Қуръонни қандай ўқийсан?» дебди. У: «Бўлиб-бўлиб ўқийман. Ўзинг қандай ўқийсан, эй Муъоз?» дебди. «Мен кечанинг аввалида ухлаб оламан. Турганимда уйқудаги насибамни олган бўламан. Сўнг Аллоҳ менга насиб қилганича ўқийман. Тунги ибодатимдан савоб умид қилганимдек, уйқумдан ҳам савоб умид қиламан», дебди у».

* «Аҳдини янгилаш» деганда Набий алайҳиссалом уларга берган топшириқни бир-бирига эслатиб туриш назарда тутилган.

Изоҳ: Исломда қайси динни танлаш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Аммо Исломни танлаган кишига диндан чиқиб, муртад бўлишга рухсат йўқ. Ким шундай қилса, лекин тавба қилмаса, муртадга белгиланган жазо қўлланилади, чунки бу энг катта хиёнат, жамият хавфсизлиги учун таҳдиддир. Бу билан дин аҳкомларини ўйин қилишнинг ҳам олди олинади.

Манба: hadis.islom.uz

